Талабалар онги, тафаккурида Милли й ва умуминсоний кадриятларни илмий асосда ўстириш педагог-тарбиячидан, унинг касбий тайёргарлигидан коррекцион (ўз вактида хатоларнинг олдини олиш) фаолиятини хам талаб этади. Кўрсатилган бошкарув психолотиясининг тушунча, категориялари бир-бири билан богликдир. Улар тарбия /караёнида интеграл холатда тизимли ва максад билан ишлатилгандагина ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Бугунги кунда асосий, йуналтирувчи, фундаментал кадриятларга айланган, дадил хаётимизга кириб келган ғоя, тушунчалардан мустакиллик, демократия, бозор иктисодиёти, шахсий мулкдорчилик, ишбилармонлик, ватанпарварлик, узликни англаш, тинчликсеварлик, ракобатбардошлик, комиллик, билимлилик, виждонлилик ва бошкалардир. Бу кадриятни талабалар онги тафаккурида ўстириш - бўлажак кадрларнинг маънавий камолотини шакллаитиришда имкон яратади. Талабаларда қадриятларни тарбиялаш -уларнинг ички дунёси, янги дунёкарашини иродаиийлик ва фаоллигини вужудга келтиришга сабаб бўлади.

Талабалар онги, тафаккурида кадриятларни ўстириш, киммага

эга, эртанги кун учун хизмат килидиган ғоя, тушунча, одатлар, моддий кадриятларни ривожлантириш, уларни ички хатти-харакатни бошқарувчи куч - мотвацияга, талаб, эхтиёжга айлантириш - педагог-тарбиячи олдида турган вазифадир. Кўрсатилган вазифани хаётга татбик этиш ўта масъулиятли фаолиятдир. Олийгох шароитида бу вазифани бошкариш учун педагог-тарбиячи га янги хаёт тизимини реал тушуниб туғри тахлил этиш, ўкув тарбия , ижтимоий гуманитар, сиёсий фанлар ютуклари педагог қўлида мухим омил сифатида хизмат килади. Ижтимоий-гуман фанлардан фалсафа ўқитувчисининг методологик ва методик касбий фаоллигини таъминлайди. Социология, сиёсатшунослик, дншшунослик каби фанлар педагог тарбиячининг керакли билим, малака, кўникмалар тарбиячининг касбий тайёргарлигини юкори даражада ўстириб, Кўйидаги максадга оптимал даражада эришишга кўмаклашади.

## МАЪНАВИЙ МАЪРИФИЙ ИШЛАР

**Баркамол авлод тарбиясининг ақлий, ахлоқий, ғоявий-сиёсий (мафкуравий), эстетик, ҳуқуқий, иқтисодий, экологик меҳнат ва касб-кор, диний, бадиий каби таркибий қисмлари.**

**Ақлий тарбия** маънавий баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми ҳисобланиб, унинг мазмунида ёш авлодни табиат, жамият тараққиёти қонунлари, киши тафаккури ҳақидаги билимлар тизими билан таништиришга қаратилган ва мазкур билимлари асосида, ўқувчи – ёшларда илмий дунёқараш асосини шакллантиришга қаратилган тарбиядир. Ақлий тарбия ёшларни ақл – заковатли, объектив дунёни яхлит идрок этадиган, ўзлигини англаб етадиган, ўз олдига турган вазифаларни онгли бажара оладиган, инсоний қадр – қийматни улуғлайдиган қилиб тарбиялашга қаратилган. Зеро, инсон камолотида илм эгаллаш улкан фазилатларидан бири ҳисобланган Ҳадис китобларида ҳар бир мўмин – мусулмон учун илмнинг нақадар зарурлиги баён этилган. Ҳар бир жамият мафкурасиз бўлмайди.

**Мафкура** – бу бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний қарашларнинг бир тизимидир.

Истиқлол мафкураси асрий миллий қадриятларимизга ва янги вужудга келган ва келаётган, халқимизнинг бугунги ва келажакдаги манфаатларини ифодалайдиган фикрларга – халқ тафаккурларга асосланади.

Илғор мафкура ёшлар томонидан қанчалик кенгроқ ўзлаштирилса, уларнинг онгига сингдирилса шунчалик моддий куч ва яратувчанлик қудратини касб этади.

**Ахлокий тарбия** – ёшларни маънавий жиҳатдан камолотга етказувчи, улар онгида ахлоқий қонун қоидаларини сингдириш жараёнидир. Ахлоқий тарбия инсоннинг маданий ва маънавий устунлигини, фаоллигини кўрсатишга хизмат қилади.

**Эстетик тарбиянинг мақсади** – ўқувчиларни воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиш ҳамда тўғри тушунишга ўргатишдан иборат. Бу мақсад ўқувчиларда, бадиий дидни ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзалликни олиб кириш қобилиятларини тарбиялашни вазифа қилиб қўяди.

**Ҳуқуқий тарбия** - инсоннинг жамиятдаги ўрни, ҳатти - ҳаракати, фаолиятини танлашда йўл - йўриқ кўрсатади. Барча миллатлар сингари ўзбеклар ҳам азалдан ҳуқуқий маданиятга эга. Жумладан, «Қуръони карим», «Ҳадислар»да қонун қоидалар асосида ҳуқуқий тарбия негизларини қуриш мумкин. Педагогларнинг хуқуқий тарбия борасидаги асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат деб ўйлаймиз. Мақсад - давлатимизнинг «Ягона демократик давлат барпо қилиш» вазифасини амалга ошириш учун қилаётган саъи-ҳаракатларига фаол иштирок этиб, ёш авлод онгига миллий ғоя ва мафкура асосларини тўғри сингдириш, мустақил фикрлай оладиган, юксак фуқаролик ҳис-туйғуларини мужассамлаштирган баркамол авлодни тарбиялаш.

Вазифалар:

1.Талабаларга ҳуқуқий тарбияга оид асар ва ҳужжатларни ўргатиш.

2. Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўқитувчилар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»ни ҳуқуқий тарбиянинг дастури сифатида ўрганиш.

3. Талабаларда ўз хуқуқ ва бурчини тўғри тушунишни шакллантириш мақсадида, таълим ва тарбия ишларида «Ҳуқуқий тарбиянинг йўналишини кучайтириш».

4. Давлат рамзлари маъносини пухта тушунтириш.

5. «Тарбияси қийин» ўсмирлар билан алоҳида ҳуқуқий тарбиявий ишлар олиб бориш .

**Иқтисодий тарбия** талабаларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик хислатларини таркиб топтириш ва бу борада мустақил фикрлай олиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Иқтисодий тарбия усуллари хилма - хилдир. Жумладан, суҳбат, маъруза, амалий машғулотлар, саноат шахобчаларига саёҳат ўтказиш, солиштириш, ҳисоб – китоб қилиш ғоятда таъсирчан услублар ҳисобланади. Ўқувчиларда иқтисод борасида ижодий фикр юритишни шакллантиришда дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлардан унумли фойдаланиш лозим. Ўқувчиларни қай даражада иқтисодий тарбия топганликлари ўқитувчилар томонидан кузатилиб борилиши керак.

**Экологик тарбияга** ҳам ота - боболаримиз чуқур масъулият билан қарашган. Масалан, атроф – муҳитни ифлос қилмаслик мақсадида, ахлат ташлаш, чиқиндиларни ташлаш учун алоҳида чуқурлар қазилган, ҳожатхоналарни ариқ, сой, булоқ сувларидан узоқроқ жойда ковлашган, турли эҳтиёжлар учун фақат қуриб қолган дарахтларни кесишган, ҳайвонларни азоб бериш, қушлар уясини бузишни, гуноҳ санашган. Бу борада оилада «Сувга тупурма, уни ифлос қилма, чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади», «Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қиласан», «Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг катта гуноҳ иш бўлади, чунки унда аҳли мўъминнинг насибаси бор» деб тарбия берилган.

Экологик таълим ва тарбиялаш тизими болалар боғчаларида, умумий таълим мактабларида, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жамоаларида давом эттирилади. Бу ўринда ҳаётий мисоллар орқали ҳозирги пайтда оилаларда экологик саводхонликнинг пастлиги уқтирилади. Масалан, ҳозир кўплаб одамлар молларини экинзорларда, боғларда ҳатто мевали ва манзарали дарахтларга боғлаб боқадиган бўлиб қолишмоқда . Ахир ўтмишда халқимиз қарамоғидаги ҳайвонларига махсус подачи сақлашган-ку. Ёки моли бор кишилар навбат билан пода боққанлар-ку. Бунинг учун ҳозиргидек ҳайвонларни дуч келган ерда эмас, алоҳида ажратиб қўйилган яйловларда ўтлатишган. Ёки оилавий дам олишга чиқилганда ўт – ўланлар пайҳон қилинмаган, қир – адирларда шиша синиқлари, овқат қолдиқлари ташлаб кетилмаган. Дарахтларга, ўсимликлар оламига, ҳайвонларга зарар келтирилмаган. Экологик тарбия беришни тайёрлашнинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- Табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш;
-Табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги;
- Ўз ноҳиясини, шаҳрини, қишлоқ ва мактаби ҳовлисини кўкаламзорлаштиришга, ҳатто, синф, синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришлашга қизиқишларини ошириш;

- Атроф – муҳит муҳофазаси, бунда болаларнинг вазифалари;

- Табиатни муҳофаза қилишда ота – оналарнинг намуналари;

- Ёшларни экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.

- Оиладаги, мактабдаги табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;

Тарбиячи ўзини шундай тутиши лозимки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияласин. У айни вақтда нимани истамаслигини ҳар доим билиши керак. Агар тарбиячи буни билмаса, у кимни тарбиялаши мумкин?

**Меҳнат** тарбиянинг таркибий қисмидир. У кишининг ва кишилик жамиятининг энг зарур яшаш шартидир. Меҳнат барча бойликларни манбаи бўлиши билан бирга, у инсон ҳаётининг мазмуни ҳамдир.

"Меҳнат кишилар ҳаётидаги дастлабки шарт – шароитдир", - деган эди Ибн Сино. Шунинг учун ҳам биз инсонни меҳнат таъсирида яралади дейишга маълум даражада ҳақмиз. Меҳнат – бу моддий ва маънавий маданиятнинг, ижтимоий тараққиётининг теран негизидир.

Меҳнат тарбияси инсоннинг, халқнинг, давлатнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришни, кишиларни бунга тайёрлашни мақсад қилиб қўяди.

**Ёшларни касб-ҳунарга қизиқтириш ва йўналтириш педагогика фанининг бош вазифаси сифатида.**

Касбга нисбатан қизиқишни вужудга қелтириш ўқитувчининг педагогик фаолияти билан бевосита боғликдир. Меҳнат таълимини турмуш билан боглаш, уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг индивидуал – типологик, ёш даврлари хусусиятлари, техник кобилиятлари, интеллектуал даражалари ва имкониятларини ҳисобга олиш ижобий самара беради. Чунки ҳар бир касб – ҳунар шаҳсдан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, чидам ва сабр – тоқатни талаб қилади. Барча қийинчилик ва синовларга бардош бера оладиган йигит – қизларгина мазкур танланган касбга нисбатан яроғли деб топилади. Меҳнат таълими эса худди ана шунинг амалий томонини ўзида акс эттириш имкониятига эга. Таълимни оқилона, оптимал йўли билан ташкил қилиш ва олиб бориш турли ёшдаги мактаб ўқувчиларида меҳнат онгли муносабатни таркиб топтириб, касб – ҳунарга нисбатан қизиқиш ҳиссини уйғотади.

ТАСДИҚЛАЙМАН:
Маънавий маърифий ишлар
бўйича директор муовини

Маънавий ва маърифий ишлар бўйича
ЙИЛЛИК ИШ ДАСТУРИ

| № | Тадбирларнинг номи | Бажариш муддати | Масъул котиб |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўқув хонасини Ўзбекистон республикаси рамзий байроғи, герби, мадҳиясига оид плакатлар билан жиҳозлаш | Сентябр | Гуруҳ раҳбари |
| 2. | 1 сентябрь «Мустақиллик куни»га бағишланган тадбир | Сентябр | Маъмурият |
| 3. | Гуруҳ талабалари билан танишиш. Билим тартиб қоидалари билан таништириш | Сентябр | Гуруҳ раҳбари |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги. Мустақиллик дарси | Сентябр | Гуруҳ раҳбари |
| 5. | Коллежнинг ички тартиб қоидалари. Ўқувчиларнинг вазифалари, бурч ва ҳуқуқлари | Сентябр | Гуруҳ раҳбари |
| 6. | Йўлда юриш қоидалари. Хавфсизликка риоя қилиш | Сентябр | Гуруҳ раҳбари |
| 7. | Китоб истеъдод меваси. Кутубхонадан фойдаланиш тартиби | Сентябр | Гуруҳ раҳбари |
| 8. | 21 Октябрь – Тил байрами куни | Октябр | Гуруҳ раҳбари |
| 9. | Диний экстремизм ва фундаментализм ҳақида. Огоҳликка даъват- давр талаби | Ноябр | Гуруҳ раҳбари |
| 10. | Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида | Декабр | Гуруҳ раҳбари |
| 11. | Гиёҳвандлик оқибатлари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида | Декабр | Гуруҳ раҳбари |
| 12. | Ватан ва унинг халқига муҳаббат ила ённамиз. Ватан ҳимоячилари куни ҳақида | Январ | Гуруҳ раҳбари |
| 13. | Буюк ўзбек шоири, мутафаккир Алишер Навоий таваллуди муносабати билан тадбир. | Феврал | Гуруҳ раҳбари |
| 14. | Нонни эъзозланг | Феврал | Гуруҳ раҳбари |
| 15. | Табиатни севайлик ва асрайлик | Март | Гуруҳ раҳбари |
| 16. | 8- март Халқаро хотин-қазлар куни | Март | Гуруҳ раҳбари |
| 17. | Наврўз – меҳр-оқибат байрами | Март | Гуруҳ раҳбари |
| 18. | Давлат арбоби улуғ соҳибқирон Амир Темур таваллуди муносабати билан тадбир. | Апрел | Гуруҳ раҳбари |
| 19. | Хотира – муқаддас туйғу муносабати билан тадбир. | Май | Гуруҳ раҳбари |

Тузувчи гуруҳ раҳбари Турдиева Шахноза

## ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ

## ТАЛАБАЛАРДА ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК МАЗМУНДАГИ ИШЛАР

Табиатни севиш, ундан тўғри ва оқилона фойдалана билишни тарбиялаш экологик тарбия асоси бўлиб, талабаларда табиат олдида масъулиятни англаш малакасини ҳосил қилади. Ватанни севиш, ватанпарварлик табиатни севишдан бошланади. Бинобарин,талабаларда табиатга нисбатан ҳақиқий муҳаббат туйғусини ҳосил қилмай туриб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас. Инсоннинг табиат қучоғида бўлиши уни руҳан тетиклаштириб, унинг меҳнат қобилиятини ва ижодий фаолиятини оширади.

фанлараро экологик мазмунда лаборатория ишларини бажариш талабаларда илмий дунѐқарашни шакллантириб, оламни диалектик билиш имкониятини туғдиради.

Атроф дунѐ ҳодисалари ва жараѐнларининг содир бўлиши ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятини фанлараро очиб беради.

фанлараро экологик мазмунда лаборатория ишларини бажариш қуйидаги имкониятларга эга:

-табиат ҳодисаларининг ўзаро боғлиқлигини тўғри талқин қилиш;

-талабаларда табиат қонунларини илмий билиш ҳамда улардан амалиѐтда тўғри фойдаланишга ишонч ҳиссини уйғотиш;

-табиат – фан- техника тараққиѐтининг ўзаро функционал боғланишни илмий очиб бериш;

-талабаларга назария ва амалиѐт уйғунлигини илмий тушунтириш;

Табиат ва жамиятнинг бир – бирига таъсири дастлабки босқичларда инсоннинг табиатга мослашуви муҳит хусусиятлари инсоннинг мавжудлиги ва унинг тараққиѐти учун муҳим омил бўлган. Аммо худди шу даврлардаѐқ табиат ва жамият ўртасидаги уйғунлик бузила борган.

Табиат ва жамият ўзаро таъсирининг иккинчи босқичи ишлаб чиқарувчи кучларнинг маълум даражада ривожланганлиги билан тавсифланади. Бу даврга келиб, табиий муҳитда катта ўзгаришлар рўй берган. Табиатни мақсадга мувофиқ ўзгартириш бўйича маълум ишлар амалга оширила борган. Учинчи босқич эса буғ, кейинчалик электр, сўнгра ядро энергияси асри бўлиб тавсифланади. Шуларга кўра ишлаб чиқаришда сифат ўзгаришлар содир бўлиши – бу даврнинг муҳим белгилари.

Табиат ва жамият ўртасидаги зиддиятнинг бундай кескинлашуви экологик аҳволнинг ѐмонлашувига олиб келди.

Экологик аҳволни соғломлаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий, иқтисодий, сиѐсий ва бошқа омилларга боғлиқ. Экологик муаммоларни ҳал этишда педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фанлараро экологик мазмунда лаборатория ишларини бажариш талабаларда амалий кўникма ва малака шаклланишигаѐрдам беради. Фанлараро лаборатория ишларини бажариш жараѐнида талаба ўзи яшаб турган ўлкаси экологиясининг физик асосларини ўрганишга қизиқиши, интилиши, дунѐқараши муҳим ахамиятга эга бўлиб, бундай мазмундаги лаборатория ишларини бажаришга ижобий муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотади.

Агар фанлараро экологик мазмунда лаборатория ишлари бажарилиши қийин ѐки абстракт бўлса, у ҳолда талаба дарҳол бундай лаборатория ишлари моҳиятини тушуниб олмайди. Талабага ѐрдам бериш мақсадида физикадан фанлараро экологик

мазмунда баъзи лааборатория ишини бажариб кўрсатиш,сўнгра айримларини уйда бажариб келишни вазифа тариқасида бериши мақсадга мувофиқ.

Талабаларнинг экологик мазмундаги лаборотория ишларини мустақил бажариши талабаларда ўз ўлкасининг экологиясига нисбатан ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Бугунги кунда бутун жаҳоннинг экстремал ҳудудларида экологик шаҳарлар яратиш ўта тез суръатда ривожланиб, тобора такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда бутун дунѐ мамлакалари шаҳарларнинг экологик муаммолари долзарб бир даражага кўтарилган. Бу муаммоларни ҳал этиш масаласи эса жуда кўп маротаба кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Республикамиз Президенти ва хукумат томонидан архитектура ва шаҳарсозлик соҳасига катта эътибор берилиди. Шаҳарсозлик йўналиши соҳасида бир қатор, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу соҳа юзасидан қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон республикасида хозирги замон талабларига жавоб бера оладиган экологик жамоат бинолари, аҳолига қулай бўлган, эҳтиѐжларини қондириш учун экстремал худудларда экологик шаҳар яратиш долзарб муаммоларини бири ҳисобланади.

Бу атроф мухутини ва табиийатни ѐмонлашиши, экологик муаммолар ва экологик мухитни пастлиги ҳам бугуннинг долзарб масалаларидан биридир.

Аҳоли яшаш шароитини янада яҳшилаш, аҳоли яшаш ҳудудларидаги жамоат марказларини функционал режавий архитектура-бадиий кўринишини такомиллаштириш, аҳоли худудидан фойдаланиш, самарадорлигини ошириш, шаҳарсозлик шароитларини тўлароқ хисобга олиш билан боғлиқдир.

Бугунги кунда архитектура ва шахарсозлик соҳасида олиб борилаѐтган ислохотлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва экологик шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ҳамда ушбу фармон ижроси юзасидан вазирлар Маҳкамасининг “Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Шаҳарлар, туман марказлари, экологик шаҳар типидаги посѐлкалар ва экошаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги, “Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бир қанча шаҳарсозлик фаолиятида ҳуқуқий-меъѐрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида Давлат ҳокимияти органларига экошаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқилишини ташкил этиш, бош режага, батафсил режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига риоя қилиниши, ҳудудларда ер ажратилишида қонун талабларига риоя этилиши, объектларни жойлаштиришда бош режа муаллифи билан келишиш, навбатчи бош режанинг юритилиши ва жойларда “Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаш”ларининг иш фаолиятлари тизимини яратилди.

Замонавий архитектура ва шахарсозлик талаблардан келиб чиқиб, экстремал ҳудудларда экологик шаҳарларни лойихалашда узига хослигини инобатга олиш ҳамда уни индустриаллаштириш, замонавий қурилишдан, автомобил йулларининг ҳолатини, транспорт ва коммуникация хизматларини яхшилашдан, экологик шаҳарларда аҳоли яшаши, турмуш-тарзини ошириш ва қолаверса сифат даражасини яхшилаш асосий мақсад қилиб олинган.

Эндиликда барча лойиҳа ва қурилишларда асосий талаб экологияга қаратилмоқда, яшил ҳудудларни купайтириш, чиқиндилардан унумли зарарсиз қайта ишлаш орқали аҳолини турмуш тарзини яхшиланмоқда.

Лойиҳа қилинаѐтган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва экологик таҳлил қилиш. Лойиҳада қилинаѐтган объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсири баҳолашда қўйдагиларни ўрганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади.

1. Лойиҳа қилинаѐтган объект қуриладиган жойнинг (худуднинг) физика-географик ва иқлим шароитлари
2. Худуднинг экалогик холати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар
3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти ресурслари.
4. Худунинг ўсимлик ва хайвонот дунѐси аҳоли саломатлиги.
5. Худуднинг мавжуд таъбий экалогик ҳолатини баҳолаш.
6. Лойиҳа ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларининг экалогик тахлил қилиш.
7. Объект қурулишида атроф муҳитга таъсир қилувчи омилларни (Кимѐвий моддалар, шовқин таъбий ресурслардан фойдаланиш, қаттиқ чиқиндилар ) баҳолаш.
8. Қурулиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авариялар (ҳалокатли ) холатларни ва уларнинг атроф мухитга таъсирини тахлил қилиш.
9. Объект қурулишининг атроф-мухитга таъсир этиш харакати.
10. Объект қурилишининг атроф мухитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбир ва таклифлар.
11. Объект қурулишидан сўнг худуднинг экалогик ҳолатини олдини таҳлил қилиш.

Лойиҳа қилинаѐтган объект-Каттақўрғон туманидаги Пайшанба қўрғонидаги "Баркамол авлод" болалар маркази биноси қурилади. Қурилиш майдони қўйдаги корхоналар билан чегараганлар:

-шимолдан-боғи иборат
-шарқдан-автомобил йўли
-ғарбдан-турар жой бинолар, стадион
-жанубдан-хокимият биноси.

Объектдан маълум бир масофада аҳоли яшайдиган жой савдо дўконлари, ошхоналар жойлашган.

Иқлим шароити кескин контенинтал-совуқ қишга ва ѐзг ойларидан иборат ўртача хаво харорати ѐз ойларида 31 градус, қиш ойларида 7 градусни ташкил қилади. Ёғингарчилик асосан қиш ва бахор ойларида кузатилади, миқдори 358 мм.

Худуднинг экологик холати ва мавжуд таъсир этувчи манбаалар

.Қурилиш майдонига яқин корхоналар-маъданий маиший бино ва ишлаб чиқариш биноси. Бу корхоналардан атроф – мухитга қуйидаги ифлослантирувчи моддалар ва чиқиндилар ташланади. Чиқиндилар кам миқдорда баъзан тақалиб туради, ундан ташқари тупроқ эррозияси кимѐвий ва минерал ўғтлар ишлатилиши таъирида ернинг кимѐвий ифлосланиши жуда кам сезиларсиз. Автомобил транспортида қуйидаги ѐқилғи қолдиқ моддалар атмосферага ташланади. 0,02 % даражада. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари

Қурилиш жойининг тупроғи ернинг 1,0-1,5 метри ўсимлмк чириндиларидан иборат. Унумдор тупроқ иккинчи пастки қатлам 1,02 метр, 1,10 метр учунчи қатлам 1,4 метрдан иборат.

Ер ости сувлари 7 метр чувурликда жойлашган. Бетон ва қурилиш конструкцияларига нисбатан агрессив ѐки эмас.
Ер ости суви корбонатли ѐки бошқа бундай агрессивлар мавжуд эмас. Ер ости ичимлик учун ишлатилиши мумкун. Қурилиш майдонига яқин жойдан ер устки сув хавзаси ўтмайди.
Худуднинг ўсимлик ва хайвонот дунѐси, ахоли саломатлиги
Ернинг юқори унумдор тупроқ қисми шўрланмаган кучли эррозия кузатилмаган шу сабабли хар хил ўсимликларга бой. Айниқса қишлоқ хўжалик экинлари ўртача етиштирилади. Кўп йиллик ўсимликлардан мевали дарахтлар, узум маданий манзарали дарахтлар (арг, қайин, каштан) мавжуд. Қурилиш районинг хайвонот дунѐси хам хилма-хил уй хайвонларидан ташқари бошқа кичик емирувчи хайвонлар дунѐси, ҳар хил қушлар майна, мусича, чумчуқ қарғалар мавжуд. Қурилиш райони аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикамизда учрайдиган кўпчилик касаликлар бўйича фоиз ҳисобида вилоят ва республикадаги кўрсаткичга анча паст баъзи бир касаликлар деярли кам даражада.

**Тупроқларни мухофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш.**

Тупроқлар ва уларнинг биосфера ҳамда инсон ҳаѐтида тутган ўрни. Сайѐрамизнинг атаги 149 млн км.кв майдони қуруқлик бўлиб, шундан 19 млн км.кв ѐки % игина инсонлар фойдаланиши учун яроқли ерлар ҳисобланади.

Қурукликнинг табиий-тарихий жараѐнларда ўзгарган юза, ғовак, унумдор қатлами тупроқ дейилади. Тупроқ табиатнинг муҳим тарихий қисми сифатида. Тоғ жинслари, иқлимий, ўсимлик ва ҳайвонот, релъеф, вақт, инсон фаолияти каби омилларнинг ўзаро мураккаб таъсирлашуви натижасида вужудга келади. Тупроқ ҳосил бўлиши ўта мураккаб ва узоқ давом этадиган жараѐн ҳисобланади. Ўрта ҳисобда 1.5-2 см қалинликдаги тупроқ қатламининг ҳосил бўлиши учун 100 йил вақт зарур бўлади. Тупроқнинг ўртача қалинлиги 18-20 см ни ташкил этади. Баъзи ҳудудларда бир неча миллимтерлардан 1,45-2,0 метргача етиши мумкин. Тупроқ таркибидаги гумус, яъни чиринди миқдори унинг муҳим таркибий қисми бўлиб, қарийб барча хусусиятларни белгилаб беради. Гумус тупроқ ҳосил бўлиши жараѐнида ўсимлик ва бошқа организмларнинг қолдиқларини мураккаб қайта ўзгариши оқибатида ҳосил бўлади. У тупроқнинг турли ташқи физик, кимѐвий ва биологик таъсирларга бўлган барқарорлигини таъминлайди.

Тупроқнинг ўсимлик ва организмларни оптимал яшаш шароитлари билан таъминлай олиш хусусияти тупроқ унумдорлиги дейилади. Тупроқнинг табиат инсон ҳаѐтидаги ахамияти айнан шу хусусият билан боғлиқдир. Табиий жараѐнида ва инсон ҳаѐтида тупроқларнинг ўрни беқиѐсдир. У потенциал энергияни, намликни, озуқа модулларни тўплаш, ўсимликлар ва бошқа кўплаб организмларни зарурий ҳаѐтий шароитлари билан таъминлаш каби мухим хусусиятларга эга. Ер юзига етиб келадиган $10^{20}$-$10^{21}$ ккал миқдоридаги энергиянинг $10^{17}$-$10^{18}$ кклоряси тупроқда тўпланади. Бундан ташқари, у қарийб барча элеменларнинг геохимѐвий акумлятори бўлиб, уларни сув ва бошқа омиллар ювилиб кетиш сақлайди. Бир грамм тупроқда 1.5 млн гача амѐба, инфузория, сув ўтлари каби содда
организмлар ва 3 млрд донагача микроб ва бактериялар яшаши мумкин.

Тупроқ биосферада кечадиган қариб барча жараѐнлардан муҳим компонент сифатида иштирок этади. Унинг экологик ахамиятлардан бири шуки, у биосферадаги ўз-ўзини тозалаш жараѐнида асосий роль уйнайди , атроф мухитни

ифлословчи жуда катта моддаларга нисбатан табиий универсаль, биологик адсорбент ва нейтрализатор ҳисобланади.

Тупроқ иқтисодий ҳаётий ва экологик ахамиятига кўра алмаштириб бўлмайдиган табиий ресрусдир. Ҳозиргача амалиётда ўсимликларни гидроном, агроном, пластоном каби тупроқсиз ўстириш усуллари мавжуд бўлсада илм-фан табиий тупроқ ўрнига сунъийсини таклиф қилишга қодир эмас. Шунинг учун тупроқларни мухофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш энг долзарб экалогик масалалардар бири ҳисобланади. Экологик нуқтаи назардан тупроқ тугайдиган, қайта тикланадаган ресурслар гуруҳига мансуб, яъни тегишли қулай шароит яратилса тупроқлардан фойдаланиш имконияти чексиздир.

Ўзбекистон худудининг иқлими, релъефи, митологик ва гидрологик шароитлари ўсимлик ва ҳайвонотларнинг турли туманлиги турли хилдаги тупроқлардан ҳосил бўлишига олиб келади. Чул-саҳро минтақаларидаги тупроқларнинг кўп қисми сур-қунғир ва қумли тупроқлардан ҳамда қумли-чўл шўрхоқ ва тақир тупроқлардан ташкил топган. Тоғ олди текисликлари ва адирлик минтақаларида эса жигарранг қунғир ва ўрмон тупроқлари учрайди. Бундан ташқари дарё водийларида ва бошқа сернам худудларда гидромороф типдаги утлоқ , айлювиал тупроқлар тарқалган.

Республиканинг ер ресрурсларига оид юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бизнинг шароитда ерларни мухофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш фавқулотда социал –иқтисодий ва экалогик ахамиятга молик мухим масалалардан бири.

Ерларни мухофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш. Юқоридаги бўлимлардан маълум бўлдики, туғри антропоген таъсирлар руй берар экан.

Бу ўзгаришлар тупроқларнинг асосий хусусияти бўган унумдорликнинг пасайиши ва охир оқибатда тупроқнинг биосферадаги екологик функциясини изидан чиқиб, оғир экологик ва иқтисодий муаммоларни юз беришига олиб келади. Бу ўз навбатида тупроқларни мухофазалаш ва улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Ерларни мухофазалаш ва улардан оқилона фойдаланиш дейилганда, ушбу мақсадларга қараталган ташкилий, техналогик, иқтисодий, ҳуқуқий, мухандислик ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Тупроқлар эрозияси ва дефиляциясини олдини олиш ва уларга қарши кураш ерларни мухофаэалашдаги марказий масалалардан бири ҳисобланади. Эрозиянинг олдини олишга қаратилган тадбирларни қуйидаги гурухга бўлинади.

Тупроқни ифлослашдан химоялаш ерларни мухофазалашга қаратилган чора –тадбирлар орасида мухим ўринлардан бири эгалайди. Тупроқларни минерал уғитлар таъсирида ифлосланишини олдини олиш учун минерал уғитларни тупроқ иқлим шароитлари ва экиннинг хусусиятларидан келиб чиқиб қуллаш зарур, яъни уғитнинг йиллик миқдорини, бир марталик солиш меъёрини ҳамда муддатини илмий асосда туғри белгилаш ва унга амал қилиш лозим. Бундан ташқари тупроқда озуқа элементларини ўз аро мутаносиб миқдорда бўлишини таъминлаш, таркиби бир компонетли уғитларга нисбатан куп компонетли (комплекс уғитлар) ва юқори концентратциялар уғитлардан кенгроқ фойдаланиш .

Тупрокроқлар ва атров-мухитни пестидцидлар билан ифлосланишидан ҳимоялашга қуйидаги чора тадбирларни қуллаш орқали эришиш мумкин:

- тупроқ ва атроф муҳитда тез парчаланувчан , кам захарли ва юқори танлаб таъсир этиш (семктив) хусусиятига эга булган пестицитлардан фойдаланиш;

- пестицитларни қуллаш вақти , миқдори ва усулларига қатъий амал қилиш;
- кукун ҳолатидан кура донадор тўрларидан фойдаланиш;
- самалѐтдан ѐпасига сепишдан кўра, верталѐтда ѐки ерда ҳаракатланувчи механизмлар ѐрдамида керакли майдонларга қуллаш;
- пестицитлар қуллаган майдонлардан оқава сувларни сувларни хавзаларга чиқармаслик;
- пестицитларни ишлаб чиқариш, тарқатиш, қуллаш, сақлаш, йўқотиш(зарарсизлантириш) устида қатъий назорат ўрнатиш;
- тупроқ ва ўсимлик махсулотларининг пестицитлар қолдиғи билан ифлосланишини доимий назорат қилиб бориш;

Табиятимизни ушбу мухофазаси бўлмиш тупроқнинг гилмог ҳамда қизил тупроқ арлаштириб лой билан ўз ишимни бажардим.

# Хулоса

Мен Одинаева Сарвиноз 4 йил олган билимларим асосида диплом лойиҳам “Касб-ҳунар коллежларида махсс фанларда дарс беришда янги педагогик технологияларни қўллаш ( гипсакартон қопламалари ўрнаиш мисолида)” мавзусида.

Диплом лойиҳам асосан 4 йисмдан иборат архитиктра – қурилиш қисми, тенологик қисм ўқув – услубий қисч ва экологик қисмлардан иборат.

Диплом ишимни бажаришда кафедрамиз ўқитувчилари маслаҳатлари кўрсатмалари асосида бажардим  мен диплом лойиҳамни бажарар эканман шунга амин бўлдимки ўқитувчилик касби машаққатли масуятли, шарафли ва завқли эканлигини билдим. Чунки касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ёш қизиқувчан интилувчан бўлишади уларга тўғри таълим тарбия бериш бу биз педагог ўқитувчиларни вазифамиздир.

Мен диплом лойиҳамдан олган билимларим ўрганганларимни эртанги иш фаолиятимда ҳам акс қотади.мени диплом лойиҳамни бажаришда ёрдам берган ва бизга бор билимларини дарс берган ўқитувчиларимга ўз миннатдорчилигимни билдиаман.

**Фойдаланилган адабиѐтлар руйхати**


1. И.А.Каримов Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиѐтининг пойдевори. 29-август 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Т.: 1997. й. 3. “Кадрлар тайѐрлаш миллий дастури”. Т.: 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги “Узлуксиз таъли тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” ги 5 сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 – майдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 204 сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрсида» ги 400-сонли қарори.
7. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тайѐрлов йўналишлари касб ва ихтисосликлар умумдавлаттаснифлагичи. -Т.: 2002, 2004.
8. Абдуллаев А.Х. Аметов А.К. Кадрлар тайѐрлаш милий дастури фалсафаси, давлат таълим стандартларини ўрганиш бўйича" ўқув қўлланма. -Т.: 2003.
9. Абдуллаев А.Х., Дехкамбаева З. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайѐрлов йўналишлари бўйича тармоқ таълим стандартларини ишлаб чиқиш» услубий қўлланма. -Т.: 2000.
10. Абдуллаев А.Х Дехкамбаева З. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тармоқ таълим стандартларини эксперт баҳолаш» услубий қўлланма. -Т.: 2001
11. Шаперинский С.А. Вопросы терии произведственного обучения М: 1981.
12. Методический основы преподования машиностраительных дисциплин М: 1981.
13. Скакун В.А. ишлаб чиқариш таълими усталари учун қўлланма-Т: 1995.
14. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлаштириш тизимини белгиловчи асосий атама ва таърифлар. Касб-ҳунар таълими 5 нашр 2001.
15. А.И. Вайнатовский. Органзационные формы произведственного обучения в учебных заведениях профтехоброзования. – М: 1990
16. Б.А.Соколов Методические основы преподования машиностроительных дисциплин. – М: 1981
17. Абдуҳалиқов Т. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторингини ташкиллаштириш илмий-педагогик асослари. Номзодлик диссертацияси.-Т.: ЎМКҲТРИ,2003
18. Абдуҳалиқов Т. Касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторинги.-Т.:МРИ,2003.
19. Даужанова Т. Касб-ҳунар таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари мониторинги». Касб-ҳунар таълими» илмий-методик журнал. 2000, №9.
20. Майоров А.Н. Мониторинг в образовательном СПб.: образования-культура,1998.
21. Педагогический мониторинг: проектирование и реализация.-Т.: ИРССПО, 2001
22. http://www.ziyonet.uz 23. http://www.google.ru